



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 12 май, № 97 (7055) Шанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингизга орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамази ҳисобланган муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий аъёна ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҳассам бўлган эзгу ғоялар, динимиз арконларини эъозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвир этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ «МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ «МИСИС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Олмалиқ ТМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (Россия Федерацияси) Олмалиқ шаҳрида (Тошкент вилояти) Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун муҳим илмий-технологик ва зифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш; металлургия, қончилик иши ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

мухтаassisлар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш; муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш; таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш-саноат фаолияти билан узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш; педагогик салоҳиятини ривожлантиришни

қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол тақомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узқ муқаддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Филиал Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (кейинги ўринларда — "МИСИС" МТТУ) алоҳида таркибий бўлинимаси ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш(мухтаassisлик)лари бўйича барча даражадаги мухтаassisларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда "МИСИС" МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади; абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси "МИСИС" МТТУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муқаддатларга мувофиқ амалга оширилади; Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган "МИСИС" МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Хабар қилинганидек, жорий йил 15 — 17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлади. Музокаралар чоғида қатор долзарб масалалар билан бирга, амалий шерикликни кенгайтириш ва ўзбек иқтисодиётига АҚШ сармоялари ҳамда технологияларини жалб этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилиниши кутилмоқда. Ушбу муҳим воқеа арафасида "Жаҳон" ахборот агентлиги Ўзбекистон — Америка савдо алоқаларининг замонавий ҳолати ва истиқболларини таҳлил этди.

Америка Қўшма Штатлари кўпгина иқтисодий ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича сайёрамиздаги етакчи мамлакат бўлиб қолмоқда: масалан, 2017 йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулот 18 триллион доллардан ошди. АҚШ дунёнинг энг диверсификацияланган постиндустриал иқтисодиёти бўлиб, унда юқори ишлаб чиқариш кучига эга инновациялар тармоғи устун аҳамиятга эгадир. Мамлакат илмий-техникавий тараққиёт натижаларини индустрияга татбиқ этиш, ўз кашфиётлари лицензияларни экспорт қилиш, ихтиро ҳамда энг янги ишланмалар борасида етакчи давлат саналади. Америка ялпи ички маҳсулотининг катта қисми бир неча йиллардан буён хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ҳисобидан шаклланиб келяпти.

Уз навбатига, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган, минтақанинг барча мамлақати ва Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон изчил ўсувчан иқтисодиёт ҳамда катта истеъмол бозорига ва табиийки, барча қўшни давлатлар бозорига чиқиш йўлига эгадир. Арзон, бироқ юқори малакали ишчи кучи ҳамда жадал ривожланаётган инфратузилмага эга бўлган республика ўта истиқболли сармоявий шерик ҳисобланади.

Шунинг учун Тошкент ва Вашингтон ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий алмушварини кучайтиришга устувор аҳамият бермоқда. 1993 йилдан буён савдо муносабатларида энг қулай шартроит яратиб режими амал қиляпти. 2006 йили имзоланган АҚШ — Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо ва сармоялар бўйича доиравий битим (United States — Central Asia Trade and Investment Framework

Agreement, TIFA) ҳам ўзаро амалий алоқаларни ривожлантиришга қўмақлашаётир. 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ бизнес доиралари вакиллари билан қатор самарали учрашувлар ўтказгани баробарида, Американинг юздан зиёд етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистон — АҚШ бизнес форумида ҳам қатнашди. Тадбир якуни бўйича АҚШ компаниялари билан нефть-газ ва нефть-кимё жабҳаси, машинасозлик, электротехника саноати ҳамда фуқаро авиацияси соҳаларини қамраб олган, умумий қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган йирик ҳужжатлар тўплами имзоланди. 2017 йил февралда худди шундай бизнес форуми Тошкентда ҳам ўтказилган эди.

Қўшма дастурлар ва турли жабҳалардаги лойиҳаларни илгари суришда Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг ҳиссасини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. 1993 йили ташкил топган мазкур ассоциация икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўтамоқда.

(Давоми 3-бетда).

ТАРИХИЙ ТАШРИФГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 — 17 май кунлари Америка Қўшма Штатларига амалга оширадиган илк расмий ташрифи айни пайтда жаҳон оммавий ахборот воситалари, хусусан, АҚШ матбуоти, интернет нашрларида асосий мавзуга айланган.

Масалан, Оқ уй расмий веб-сайтида мазкур ташриф тарихий, дея атайиб, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари шу асосда янги босқичга кўтарилиши таъкидланган.

Ҳақиқатан ҳам, ташриф дастури кенг қамровли ҳамда Америкада мазкур учрашувга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазирлиги ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкда икки томонлама учрашувлар ўтказилди. Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши,

турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламининг қабул қилиниши кутилмоқда.



Вашингтондан махсус мухбиримиз Шавкат ОРИҚОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати хабарига кўра, ана шу жараён АҚШнинг "CNN", "ABC" каби нуфузли телеканаллари, мамлакатимизнинг 80 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан ёритиб борилади. Шунингдек, ташриф арафасида АҚШда бир қанча тадбирлар, учрашувлар, танилиш экспертлар, сийбятчилар билан мулоқотлар ўтказиш режалаштирилган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, иختисослаштирилган, шошилинч ва тез тиббий ёрдамни, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тақомиллаштиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамай, аллергиялик касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда профилактика қилиш соҳасида жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, аллергологиянинг фундаментал ва амалий асослари амалий тиббиётдан ажралган ҳолда ривожланиш принциплал янги, молекуляр даражада аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга кенг жорий этишга ҳамда қўллашга

етарлича эътибор қаратиш имконини бермапти;

иккинчидан, тиббиёт муассасаларини даволаш-диагностика аллергенлари билан таъминлашдаги камчиликлар тиббиёт амалиётида антибиотиклар, антигистамин ва гормонал дори воситаларининг асоссиз равишда кенг қўлланилишига олиб келмоқда;

учинчидан, жойларда аллергик касалликларнинг бирлашми ва икки-лашми олдани олиш, иختисослашган аллергологик ёрдамни таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилмапти, оқибатда беморлар вилоят марказларида ва республиканинг пойтахтида даволашига мажбур бўлмоқдалар;

тўртинчидан, мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими зamon талабларига жавоб бермайди, бунинг оқибатида тиббиёт муассасаларини малакали врач-аллерголог ва имму-

нологлар билан тўлдирish қонкурсиз аҳволда қолмоқда;

бешинчидан, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш, ишончли статистик ҳисобот юритишнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган, аллергологик ёрдам кўрсатиш соҳасида тиббиёт муассасаларининг иختисослашган бўлимларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ягона тизим мавжуд эмас;

олтинчидан, тиббиёт муассасаларининг, жумладан, Республика илмий иختисослаштирилган аллергология марказининг моддий-техника базаси, замонавий тиббиёт усуналари билан жиҳозланганлик даражаси аллергик касалликларга самарали ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини бермайди.


Иختисослаштирилган аллергологик ёрдам кўрсатиш тақомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини

кенгайтириш, аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда илғор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатиш тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика илмий-иқтисослаштирилган аллергология марказини асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: аллергология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергик касалликларнинг профилактика қилиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона марказлаштирилган тизимни яратиш ҳамда аллергик касалликларни эрта аниқловчи скрининг дастурларини барча жойларда босқичма-босқич жорий этиш;

(Давоми 2-бетда).

Фракциялараро муҳокама: АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ ХИЗМАТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?



Шу кунларда парламент куйи палатаси кўмиталарида қатор қонун лойиҳалари кенг муҳокама қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилиб, Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шулардан биридир.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Алишер Каримовнинг маълум қилишича, транспорт воситаларини ижарага бериш масалалари нотариял тасдиқлаш талаб этиладиган битимлар турига киритилган. Жаҳон тажрибасидан аёнки, туристларга биринчи гада қулайлик яратиш мақсадида уларга автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ҳеч қандай ортқча маъмурий чекловлар, тўсиқлар белгиланмаган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқлари ҳимояси устувор бўлиб қолаверади

Президентимизнинг жорий йил 5 май кунги имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти замирида, аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги тамойилини тўлиқ жорий этиш мақсади муҳассамлиги билан аҳамиятлidir.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган асосий қондаларни миллий қонунчиликка имплементация қилган. Эътиборлики, юртимизда шу асосда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилди ва бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилди.

Ўзбекистон декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиб, инсон ҳуқуқи соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга содиқлигини намойён этди. Бу саяъ-ҳаракатлар, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоя асосида янада ривожлантирилди.

Фармон билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида давлат, жамият ва фу-

қароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ҳамда қадриятларига эътиборини кучайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа чоралар тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизми ва тартиби самарадорлигини ошириш мақсадида аниқ вазифалар белгиланди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ «МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ» «МИСИС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

5. Филиалга текин фойдаланиш учун: Навоий давлат кончилиги институтининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган биноси; 2017/2018 ўқув йили якуни бўйича фаолияти тугатилган Олмалиқ санат касб-хунара коллежининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган биноси берилсин; 6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: "МИСИС" МТТУ ва "Олмалиқ ТМК" АЖ билан биргаликда бир ой мuddатда ўрнатилган тартибда Филиал таълим ҳужжатларининг ишлаб чиқиши, келишилиши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин; бир ой мuddатда "МИСИС" МТТУ билан Филиалнинг ташкилий тузилмасини келишин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин; 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминласин; 7. Филиалга 2018/2019 ўқув йили учун таълимнинг кундузги шакли бўйича қабул квотаси жами 150 киши, жумладан, бакалавриятнинг "Кончилик иши" таълим йўналиши бўйича 75 киши, "Металлургия" таълим йўналиши бўйича 50 киши, "Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)" таълим йўналиши бўйича 25 киши этиб белгилансин. 8. "МИСИС" МТТУ: ўқув жараёнида илгор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга; мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга; Филиалнинг кутубхона фондиди замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдирishга қўмақлашиши маълумот учун қабул қилинсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Олмалиқ ТМК" АЖ, "Навоий КМК" ДҚ, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзқилимчиранилметалл" АЖ, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилсин ва унинг натижаси юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича қабул қилинадиган талабалар сонини юзасидан тақлифлар киритиб борсин. 10. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий тадқиқот технологик университети" "МИСИС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин. 11. Белгилаб қўйилсинки: а) Филиал фаолиятини молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига талабаларни, лекин Филиалга таълим олиш учун қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортқ бўлмаган ҳолда, давлат гранти асосида ўқитишга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадалларидан Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантирилган пул маблағлари; халқаро молия институтлари грантлари; қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади; б) Филиални ташкил қилиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирларни, жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб боришни, бино ва иншоотларни зарур меъбел, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан таъминлашни, шунингдек, "МИСИС" МТТУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини, Филиал маҳаллий ўқитувчиларнинг стажировкаси ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш "Олмалиқ ТМК" АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; в) "МИСИС" МТТУдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш; 30 кунгача бўлган қисқа мuddатли хизмат сафари бўйича — Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий ўқув юртлири ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ; узок мuddатли хизмат сафари бўйича — ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади. 12. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун тақлиф

қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Фўқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат берилсин. 13. Белгилаб қўйилсинки, Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади. 14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга иккита автотранспорт воситасини, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Тошкент вилоятида санат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3153-сонли қарори билан тузилган, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети" "МИСИС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита: 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда Филиалнинг бино ва иншоотлари реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талаба ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрлашини; 2018 йил 31 августга қадар мuddатда Филиал жойлаштирилишини ва унинг зарур меъбел, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан жиҳозлашини таъминласин. 16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва мазмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин. 17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва мазмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат бохлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва ўзайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати

ўзайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин. 18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (мuddати ўзайтирилишини), шунингдек, хорижий фўқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (мuddати ўзайтирилишини) таъминласин. 19. 2019 йил 1 январга қадар мuddатда Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат олиб қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий махсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин. 20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунара таълими маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда: Олмалиқ санат касб-хунара коллежи ходимларини ишга жойлаштириш; Олмалиқ санат касб-хунара коллежи ўқувчилар контингентини яқин бўлган тегишли касб-хунара коллежларига йўналиш(касб)лар бўйича жойлаштириш орқали уларнинг келгусида таълим олишини таъминлаш чораларини курсин. 21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. В. Акмалов, А. С. Султонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Маджидов ҳамда "Олмалиқ ТМК" АЖ бошқаруви раиси А. К. Фармонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТЎБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

соғлиқни сақлаш амалиётига илм-фаннинг ижобий натижаларини жорий этиш имконини берадиган биотибиётнинг умумжаҳон ютуқлари билан боғлиқ ҳолда аллергия соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, алергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш; алергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармон воситалари, тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюмлар ва тиббиёт техникаси, жумладан, ташхис қўйиш ва даволаш алергенлари, реагентлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш даражасини ошириш; клиник алергология ва иммунология соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш, бу соҳада етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш; қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, алергология соҳасига грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, алергология соҳасини ривожлантиришга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш. 2. Алергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алергик касалликларни эрта аниқлаш учун 18 ёшга тўлмаган ва ҳавф остида бўлган болаларни 2019 йил 1 январдан 1 июлгача текшириш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда — бир марталик акция) эълон қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин. Белгилансинки, бир марталик акция оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида, шунингдек,

мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига борган ҳолда фўқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокиде белу асосда ўтказилади. 4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда "Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича ҳар йили назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида: ушбу қарорда белгиланган вафзалар ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда Республика илмий-ихтисослаштирилган алергология марказининг янгиланган ташкилий-шарт тузилмасини ва таъсис ҳужжатларини тасдиқласин; давлат тиббиёт муассасаларининг давлолаш-ташхис қўйиш алергенлари бўлган эҳтиёжини аниқласин ҳамда давлат тиббиёт муассасалари эҳтиёжлари учун ўз вақтида ва узлуқсиз етказиб бериш мақсадида уларни харид қилишни ташкил этиш чораларини курсин. 5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги "Дори-Дармон" АК ва Республика илмий-ихтисослаштирилган алергология маркази билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб энг юқори бўлган даволаш-ташхис алергенлари давлат томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин. 6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда алергияга қарши дори воситаларини, профилактика рекомбинант алергия вакциналарини, даволаш ва ташхис қўйиш алергенларини устувор равишда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тақлифлар киритсин. 7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой мuddатда: а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Республика илмий-ихтисослаштирилган алергология марказида лаборатория амалиёти халқаро стандартларига (GLP) жавоб берадиган замонавий юқори технология усуналар билан жиҳозланган клиник-иммунология лабораториясини ташкил этиш бўйича тақлиф киритсин; б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва юктамаларини таққидий ўрганиш асосида: Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида алергология ва клиник иммунология кафедрасини ташкил этиш;

2018/2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотасини кўпайтириш; 2019/2020 ўқув йилидан "алергология ва клиник иммунология" мутахассислиги бўйича магистратура йўналишини очиш; Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида алергологларнинг малакасини ошириш ўқув дастурларини такомиллаштириш; алергик касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда фармацевтика тармоғи учун кадрларни тайёрлашнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини курсин; в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда алергик реакциялар ва касалликларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш учун техник вафзаларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин, уни босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин; г) Республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида тиббий хизмат кўрсатиш ҳамини назарда тутуви алергология йўналишида тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини, мутахассисларнинг функционал вафзаларини белгилаш ҳамда алергология хонаси ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини тасдиқласин; д) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш, илмий-педагогик кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш мақсадида алергология ва иммунология соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар ва муассасалар, жумладан, Алергологлар ва клиник иммунологларнинг Европа Академияси билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва изчил ривожлантириш бўйича ташкилий-амалий чораларни курсин. Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган таълим жараёнида ташкил этиш олий тиббиёт таълим муассасалари ва иختисослаштирилган тиббиёт марказлари, мамлакатимиз тиббиёт муассасалари алергология бўлинмалари ва етакчи хорижий клиникларнинг илмий-амалий базасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. 8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой мuddатда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда алерген ўсимликлар чанги тўпланишини кузатиш ва муайян ҳудудда алергияга патологияси билан касалланган беморларни хабардор қилишни назарда тутадиган аэробактериологик мониторинг тизимини яратиш; Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда алергик касалликлар ташхисини ультразамонавий биологик микрочипларни қўллаган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, келгусида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг "алергик паспорти"ни ишлаб чиқиш; Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда етакчи халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда алергология ва иммунология соҳасида илмий-таълим, таълим ва ишлаб чиқариш инновацияларини ривожлантириш мақсадида лаборатория ва илмий амалиётнинг халқаро стандартларига (GLP, GSP) жавоб беришга Халқаро молекуляр алергология ва иммунология марказини ташкил этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида алергик касалликларни профилактика қилиш, барвақт ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб бориш. 10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда: қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин. 11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р. С. Қосимов, Р. Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. В. Акмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 май

Фракциялараро муҳокама:

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ ХИЗМАТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бизнинг қўнунчилигимизда эса мазкур жараён қўшимча вақт, харажат талаб қилади. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра, автотранспорт воситаларини 30 кунгача бўлган мuddатда нотарий тасдиқловсиз ижарага бериш кўзда тутилмоқда. Эътиборни жиҳати, автотранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи иختисослаштирилган юридик шахсларга тақдим қилинапти. Бу мамлакатимизга келаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатишини таъминлаш бораберида, ички туризмни ҳам жадвал ривожлантиради. — Мақсад тушунарли, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фрак-

цияси вакили Саттор Раҳматов. — Автотранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатишга иختисослаштирилган, деган жумлага эътирозим бор. Бу иختисослашув нимага керак? Дейлик, менинг ҳайдовчилик гувоҳномам бор, демак, машина бошқаришга ҳуқуқим бор, машина эгасидан машина олмақчиман. Бу ерда қанақа иختисослашув керак? Яна бир мунозара: илмий савол, нега айнан юридик шахсларга бу имтиёз берилмоқда, жисмоний шахсларнинг ҳам қанчадан-қанча автомашиналари бор. Ушбу лойиҳада катъий чегаралар қўйилган, бунини аниқлаштириш керак. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров мазкур фао-

лиятда сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида автотранспорт воситаларини ижарага бериш ҳуқуқи айнан юридик шахсларга тақдим қилинаётганини қайд этди. — Ушбу тахрирни кўлаб-қувватлаган ҳолда, айтиш мумкинки, бизнинг асосий вафзамиз техникани ижарага соз ҳолатда бериб, уни шу ҳолатда қайтариб олиш, қисқача айтганда, фойда қўришга эришишдир, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — Шундай иш юритиш керакки, хориждан келаётган турист бўлади, лекин бу мамлакатимиз фўқароси бўлади, мазкур хизматга бир мартаба эмас, кўп мартаба мурожаат қилинсин. Шу талабларга иختисослашмаган оддий фўқаро қандай жавоб беради? Фикрим-

чи, ушбу тахрирни кўлаб-қувватлашимиз керак. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Умиджон Сулаймонов қонун қабул қилинадиган кейин айрим камчиликлар юзга чиқдиш эҳтимоли бўлган жиҳатларга эътибор қаратди. Айни чоғда автотранспорт воситаларини юридик шахслар билан бир қаторда, яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳам ижарага бериш тақлифларини илгари сурди. — Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси концепциясини тўла кўлаб-қувватлаймиз, — дейди "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Нодир Муҳторов. — Айтиш жоизки, мазкур фаоллик билан шуғулланиш учун бир неча ходимлар, яъни механик, инженер, транспорт созили-

ни текширувчи мутахассис, чет эллик турист бўлса, таржимон керак бўлади. Буларни жамласак, ушбу хизматни айнан юридик шахс йўлга қўйиш лозимлиги аёнлашади. Бизга маълумки, яқна тартибдаги тадбиркор иккита ходим олиши мумкин, ўзи билан уч нафарни ташкил этади, холос. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида иختисослашган, деган сўзининг қўйилиши, албатта, бу соҳада хизмат кўрсатувчилар доирасини тарайтиради. Шу билан бирга, туристнинг ҳавфсизлигини таъминлаш бораберида уларнинг масъулиятини кучайтиради. Автотранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқининг фақат юридик шахсларга тақдим қилиниши қизгин тортишувларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Шўҳрат Полвонов бунинг унга тор доирада эътибор қаратилаётгани натижаси, деб таъкидлади. Депутатнинг фикрича, Фўқаролик кодексига киритилаётган ўзгариш фўқаролик ҳуқуқи назариясига зиддир. Нима сабабдан? Ижара шартномаси, бу — фўқаролик-ҳуқуқий муносабат, мазкур шариоатда томонлар тенг. Бунга зид равишда қўшимча киритилаётгани эса мана бу тарафига шартнома туза олади, деган чекловни қўяпти. Бу эса тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Қизгин кенган баҳс-мунозараларда қонун лойиҳасининг мамлакат туризм салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, муҳолиф фракциялар уни қайта қўриб чиқиш ҳамда концептуал ўзгаришлар киритиш зарурлигини таъкидлаб ўттиди. Йилгилик якунида масъул қўмита ушбу қонун лойиҳасини мутахассислар ва кенг аҳоли иштирокида атрофчи муҳокама қилишга келишиб олди. Энада АШУРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МАВЛУДА ИСМАТОВА

Мамлакатимиз халқ таълими соҳаси оғир жудоллик учради. Танлики педагог, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова 2018 йил 11 май куни 75 ёшида вафот этди.



М. Исматова 1943 йил 7 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Урта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг тарих-филология факультетини тугатди.

Уз мекнат фаолиятини 1968 йилда Тошкент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабида бошлангич синф ўқитувчиси сифатида бошлади. 1975 — 1979 йилларда ушбу таълим масканда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

М. Исматова 50 йилдан зиёд педагогик фаолияти давомида ўзини моҳир ўқитувчи, ёшларнинг сеvimли устози, ўқув-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш, таълимни ҳаёт ва амалиёт билан уйғунлаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида катта салоҳиятга эга бўлган билимдон мутахассис сифатида نامоён этди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, У. ИНОЯТОВ, Т. АЗЛАРОВ

Ўзбекистон — АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига, халқ хонадорчилигига ва тўқимачилик буюмларига океанортида катта талаб бор. Ушбу йўналишда кўламли ишларни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили Нью-Йоркда Ўзбекистон — Америка савдо уйи очилди.

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг камсонли давлатлари каторида ўзининг автомобилсозлик санъатига эга. Республикаси "General Motors" корпорацияси билан узаро

манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. У 2007 йилдан бунён юртимиз бозорида фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда 2011 йили "General Motors Powertrain Uzbekistan" заводи ишга туширилгани, унда энгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилаётганини ҳам эсга олиш ўринли бўлади.

Жаҳон авиасаноатининг гиганти ҳисобланадиган "Boeing" мамлакатимиз учун замонавий фуқаро ҳаво кемаларини етказиб берадиган йирик шериклардан ҳисобланади. Яқинда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси парки иккита "Boeing-787-8 Dreamliner" билан бойди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат байроғи ранглири туширилган "орзу лайнерлари" дунёнинг узоқ масофадаги нукталарига бeтўхтов қатновларини амалга оширмоқда.

Ўзбек иқтисодиётининг нефть-газ ва авиация жабҳаларидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашаётган, соғлиқни сақлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқишдаги лойиҳаларни молиялаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг дам олиш индустриясидаги салмоқли имкониятлари ҳамда республикамизда сарфлиқ бизнеси учун яратилган қулай шароитлар "Hyatt" корпорациясининг эътиборини тортиди. Бугунги кунда хашаматли "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонаси Ўзбекистон пойтахтининг беэаб турбиди. Ҳозирги пайтда компания Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда меҳмонхоналар тармоғини очиниши кўзламоқда.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси томонлар салоҳияти ва иштишлари тўла жавоб бeрмайдми. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболда асосий жўржий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришдаги устувор йўналишларда бир қатор аниқ равшан чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Халқимиз ҳамда келгуси авлод фаровонлигини таъминлаш йўлида миллий иқтисодий тизимни сифат жиҳатидан янгиллаш, тармоқларни жадал ва барқарор ривожлантириш, айнакка, иқтисодиётни юқори технологиялар асосида раванқ топтириш бўйича Ўзбекистон кўзланган режалар назарда тутилганда, буларнинг барчаси нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол аён бўлади.

Хусусан, ўзбек иқтисодиётини модернизациялаш, кадрлар тайёрлаш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш, жумладан, АҚШнинг сармоявий чора-тадбирларни кўраётган республикамиздаги ишбилармонлик муҳити АҚШнинг етакчи фирма ва компаниялари эътиборини тортаётгани, айнакка, аҳамиятлидир.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси томонлар салоҳияти ва иштишлари тўла жавоб бeрмайдми. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболда асосий жўржий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришдаги устувор йўналишларда бир қатор аниқ равшан чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Шаҳриёр ТУРҒУНБЕКОВ, «Жаҳон» АА.

ТАРИХИЙ ТАШРИФГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кискас, бу борадаги дастур ҳам бой. Улар билан газетамизнинг келгуси сонларида таништирамиз. Келинг, энди сафаримиздан орттирган илк таассуротлар ҳамда АҚШ билан боғлиқ айрим маълумотларга эътиборингизни қаратсак.

Океанортидаги мазкур давлат ҳамиша катта қизиқишга сабаб бўлган. Дунёнинг истаган нуктасида АҚШни, бир марта бўлса-да, ўз кўзи билан кўришни орзу қиладиганлар кўп бўлади. Аксариятимиз АҚШ манзараси, осмонўпар биноларини аҳоли турмуши ҳақида, асосан, фильмлардан қисман биламиз.

Хўш, ушбу давлат салоҳиятининг асоси нималар билан боғлиқ? Ўзбекистоннинг АҚШ билан ҳамкорлик муносабатлари қайси жабҳаларда ривожланиб бораётти? Дикҳатга сазовор жойларининг ўзига хослиги нимада? Сафар давомида ана шу каби саволларга жавоб топишни мақсад қилиб олганмиз.

Илк таассуротлар

...10470 километр, 12 соат 10 дақиқа. Бу — Тошкентдан Нью-Йорк шаҳригача қилган узлуқсиз парвозимизнинг масофаси ва вақти. Илгарилари океанортига, умуман, бундай узоқ манзилларга самолётлар тўғридан-тўғри учмасди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси парки "Boeing-787 Dreamliner" самолётлари билан тўлдирилган натижасида ана шундай имконият юзага келди.

Ўзбекистон ҳамда АҚШ вақтларидаги тафовутнинг катталиги сафар давомида яққол билинади. Эътибор беринг: биз 10 май куни Тошкентдан эрта тонгда ҳавога кўтарилган бўлсак, Нью-Йоркдаги аэропортга яна шу кун тонгда, 9:50 да қўндик. Манзилга етиб келганимизда Ўзбекистонда кечки пайт соат 18:50 эди. Яъни кун билан бирга ҳаракатландик, десак ҳам бўлади.

Нью-Йоркда ҳаво харорати 14 даража илқ атрофида экан. Боримизми керак бўлган манзил Вашингтон шаҳрига учун дарров йўлга чиқдик. Сафаримизда 4-5 соатлик ушбу сафр давомида йўллар, ён-атроф, шаҳарлар манзараси ҳақида қисман тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлди. Магистраллар кенг ва раван. Қўп ўлкан кўприклар мавжуд. Автомобиллар бир текис ҳаракатланади. Бир-бирга ҳалал бериш йўқ. Очиги, бу ерга келмасдан аввал бундай йирик шаҳарларда маҳобатли бинолар қуришга аҳамият қаратиб, яшилликка кўпман эътибор берилмаса керак, деган тасаввур бор эди. Аслида ундай эмас экан.

Нью-Йорк шаҳридаги биз ўтган кўчаларнинг деврли барчасининг икки тарафи ям-яшил дархатлар билан қопланган. Вашингтонга ҳам шундай манзара кўзга ташланиб турди. Яна бир жиҳат эътиборни торти-

дики, бу одамларнинг давлат байроғига ҳурмат, меҳри билан бўлиқ ҳолат. Қаердан ўтмайлик, йўл бўйлари, бинолар пештоқи, уйлар томи, қурилиш участкалари майдони, умуман, деврли кўп жойда тез-тез АҚШ байроқларига кўзимиз тушди. Биласиз, Америка фильмларида ҳам давлат байроғига алоҳида урғу бериллади. Демак, бу бежиз эмас. Ҳаётда шундай.

Вашингтонга етиб келганимизда куннинг иккинчи ярми эди. Бу шаҳар ҳам ўзига хос бўлиб, Нью-Йоркдан фарқли ўлароқ, иншоотлари у қадар баланд эмас. Унинг архитектураси мураккаб лиффи келиб чиқиши француз бўлган мутахассис Пьер Ланфандин. Аксарият расмий идоралар айнан Вашингтонда жойлашган. Жумладан, Ок уй, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки бош қароғохлари, элчиликлар, музейлар ҳамда бошқа дикҳатга сазовор жойлар мавжуд. Ок уй АҚШ раҳбарининг расмий қароғоғи ҳисобланади. Бу бинонинг лойиҳаси ирландиялик архитектор Джеймс Ҳобан томонидан ишланган. Ишсўт 2007 йилда эълон қилинган "Американинг сеvimли архитектура-р" рўйхатида иккинчи ўринда қайд этилган.

Ҳар жиҳатдан мустаҳкам асос

Шу ўринда АҚШ тарихи, парламент фаолияти ҳақида қисқача маълумот бeриб ўтсак. Шимолий Америкада жойлашган ушбу давлат 1776 йилнинг 4 июлида ўз мустақиллигини эълон қилган. Умумий майдони 9,5 миллион км² бўлиб, худуди бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради. Аҳолиси 327 миллион нафардан ортиқ. Бу борада жаҳонда учинчи поғонада. Маълумотларга қараганда, фуқароларнинг тахминан 82 фоизи шаҳарлар ёки шаҳар атрофида яшайди. Мазмурий-худудий бўлиниши 50 та штат ва бир Колумбия федерал (пойтахт) округидан иборат.

АҚШ социал-иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ўртача ойлик иш ҳақи, аҳоли сонига нисбатан ялли ички маҳсулот ҳажми ҳамда бошқа жиҳатлар бўйича дунёнинг етакчи давлатлари сафида туради. Жаҳон ялли ички маҳсулотининг тўртдан бир қисми ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келиши ҳам унинг имкониятлари, салоҳияти қай даражада эканлигини ифодалайди. АҚШ илмий тадқиқот ҳамда технология инновациялар бўйича ҳам илғор ҳисобланади. Табиий захираларга бой давлат.

Ҳар бир мамлакат муваффақиятида, албатта, ҳуқуқий асослар мўҳим ўрин тутади. АҚШнинг ҳозир амалда бўлган Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган бўлиб, дунёдаги энг кўна конституциялар-

ғиёвандлик моддаларининг ноқонуний айлланиши, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши кураш, шунингдек, Марказий Осиё ва Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорлиқни мустаҳкамлаш соҳа-



дан бири саналади. Хокимиятлар бўлиниши тизимида АҚШ Конституцияси биринчи ўринга олий қонун чиқарувчи орган — Конгрессни қўяди. Конгресс икки палатадан — Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат. Сенат қонун чиқарувчи орган сифатида штатларнинг манфаатларини ифода этади. Сенатор 6 йил муддатга сайланади. Хар икки йилда Яннат тарихий ўчдан бир қисмига яннатланади. Мамлакат вице-президенти Сенат мажлисларида раислик қилади. Вакиллар палатаси қонун чиқарувчи орган сифатида бутун халқ манфаатларини ифода этади ҳамда унга мажоритар сайлов тизими бўйича умумий овоз бeриш йўли билан икки йил муддатга сайланадилар. Ҳозирги пайтда Вакиллар палатасида 435 депутат бор.

Ихро этувчи ҳокимият бошлиғи — Президент. Давлат раҳбари сайловчилар томонидан вице-президент билан бирга икки даражада сайлов асосида тўрт йил муддатга икки марта сайланиш ҳуқуқига эга. Президент Сенатнинг розилигига кўра, ҳуқуқат аъзоларини лавозимига тайинлайди. Ташқи ишлар вазирлиги вазифасини Давлат котиби бeрашади.

Фаол мулоқот, изчил ҳамкорлик

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ ривожланоқда. Томонлар бир қатор халқаро ҳамда минтақавий муаммолар бўйича муштарак позицияга эга бўлиб, хавфсизлик таҳдидлари, яъни

ларида фаол ҳамкорлик қилади. 2017 йил декабр ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда ўзаро ҳурмат, икки томон ҳамда бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга содиқлик таъкидланди. Шунингдек, жўрий йил март ойда Америка Қўшма Штатлари Президенти давлатимиз раҳбарига Афғонистон бўйича халқаро конференцияга оид мактуб йўллади.

Икки томонлама сиёсий мулоқотлар ўзаро ташрифларнинг мунтазамлиги билан ҳам ахрალიб туради. Ўзбекистонга АҚШ маъмуриятининг асосий идора вакиллари ва турли даражадаги делегациялари мунтазам равишда ташриф буюради ҳамда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг долзарб масалаларни бўйича фикр алмашиш механизми — йиллик сиёсий маслаҳатлашувлар ташкил этилади.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланоқда. Парламентлар ва ҳуқуқматлар даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш имконини бeрмоқда. Масалан, ўтган йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси АҚШга ташриф буюрди. Ноябрь ойда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Сенатига учрашув ўтказди.

Жўрий йилнинг апрель ойда эса АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг инсон ҳуқуқлари, демократия ва меҳнат масалалари бўйича ўринбосари

Рэнди Берри бошчилигидаги делегация парламентимиз юқори палатасида музокара ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашда парламентларо ҳамкорлик алоҳида ўрин тутуши таъкидланди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида устувор аҳамиятга эга бўлган савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланоқда. Мамлакатлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси мўҳим аҳамият касб этади. АҚШ ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида имзоланган савдо ва инвестициялар бўйича битимнинг амалга оширилиши Америка билан савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда АҚШнинг дунёда танлики бир қатор йирик компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, "General Motors" корпорацияси иштирокида энгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "GM Powertrain Uzbekistan" заводи фаолият кўрсатмоқда. "Boeing" компанияси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини замонавий авиалайнерлар, хусусан "Boeing-787-8 Dreamliner" русумидаги янги авлод самолётлари билан таъминловчи асосий ҳамда доимий ҳамкор саналади.

"General Electric" корпорацияси Ўзбекистоннинг нефть-газ ва авиация секторларида, шунингдек, саломатлик ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги асосий шеригидир. АҚШнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган компаниялари ичида "Exxon Mobil", "CNH Industrial", "Hyatt", "John Deere", "Honeywell", "Caterpillar" ҳамда бошқа жаҳонга таълиқ корпорацияларни ҳам учратиш мумкин.

Маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар ҳам изчил ривожланоқда.

Ўзбекистонга АҚШнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва ташкилотлари экспертлари мунтазам равишда музокаралар ва амалий тадбирлар ўтказиш мақсадида ташриф буюради ҳамда ўзбек мутахассислари АҚШнинг турли илмий ва таълим дастурларида иштирок этадилар. Олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш доирасида Ўзбекистоннинг бир қатор олий таълим муассасалари ҳамда АҚШнинг Огайо ва Мичиган университетлари, Бостон юридик коллежи, Америка ва Жўржтаун университетлари каби олий таълим муассасалари билан алоқаларни кенгайтириш бўйича ишлар олиб бeрилмоқда. Хусусан, Тошкентда Вебстер университети филиалини очиш тўғрисида келишувга эришилди. АҚШ тиббий муассасалари ҳамда Ўзбекистон ихтисослаштирилган клиника ва шифохоналари ўртасида, жумладан, жарроҳлик, кардиология, урология, акушерлик ҳамда гинекология, кўз миёнақуруғини йўналишларида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди.

Шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг келгуси ҳафтада АҚШга бўладиган илк расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликни оқсак поғонага олиб чиқади.

Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқлари ҳимояси устувор бўлиб қолаверади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Масалан, унда бир қатор мўҳим халқаро ҳужжатларга қўшилиш ҳамда уларни ратификация қилиш масалалари ўрин олган. Ва ниҳоят, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияни ратификация қилиш билан бирга, иккита факультатив протоколга, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциянинг ҳисобот бeриш тартиби-таомиллари ҳамда Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шартсиз, гайринишоний ёки қадр-қимматини таҳқирловчи турларига қарши конвенциянинг факультатив протоколга қўшилишининг мақсадида мувофиқлиги борасида тақлифларни ишлаб чиқиш назарда тутиллади.

Тадбирлар дастурида, шунингдек, қамқоқда ҳамда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг янаша шароитларини кузатиб бeришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсманнинг) ваколатини кенгайтириш режалаштирилган. Қолаверса, "Бегул юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини, виждон эркинлиги ва диний

ташкilotлар фаолиятига доир қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича тақлифларни тайёрлаш белгиланган.

Шу билан бирга, Тадбирлар дастурида инсон ҳуқуқларига оид халқаро конвенциялар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, соҳада илмий изланишларни олиб бeриш ҳамда маърифий ишларни ташкил этишга алоҳида урғу бeрилган. Масалан, мамлакатимизнинг барча бўғиндаги таълим муассасалари ўқув дастурларига Конституция, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ўрганишга қаратилган дарсликларни жўрий қилиш мўҳим ўрин тутади.

Муҳтасар айтганда, мазкур Фармонда аҳоли барча қатламлари манфаатларига мос кўллаб вазифалар ҳамда чора-тадбирлар белгилаб бeрилганки, уларнинг тўлиқ ва сифатли амалга оширилишига ҳар биримиз муносиб ҳиссамизни қўйишимиз зарур.

Иброҳим ХОДЖИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси.

ТОШКЕНТДА "БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ТАШАББУСИ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТАДИ

Жўрий йил 14 май куни Тошкентда "Ўзбекистон ва Хитой: "Бир макон, бир йўл" ташаббусини ҳамкорликда амалга ошириш истиқболлари" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Шанхай ижтимоий фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Тадбирда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатларини

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади. Конференция ишида Хитойнинг етакчи тадқиқот марказлари экспертлари, хорижий дипломатик муассасалар раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этади.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик умримизга умр кўшади

Бу йил Хотира ва Қадрлаш куни байрами ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда ўтди. Президентимизнинг табрик хати, пул муқофоти ҳамда қимматбаҳо совғасини олдик. Шаҳримизда янги Хотира хиббони барпо этилди. Байрамда ўйнадик, кулдик.

Шундай дориламон кунлар билан юзлаштиргани учун Яратганга минг шукр! Баязан ўз-ўзимга "Тўшимиз бу ёки ўнгимиз?" деб қўяман. Бeихтиёр уруш йиллари ёдимга тушади. Бошланасиз қолган аёллар, етим болалар, очликдан тинкиси қурган одамлар, гудек йигит ёшида ўққа учган сафдошларин... Буларни эслаш оғир. Аммо ўша мудҳиш, даҳшатли йилларни хотирга олган сайин бугунги тинч

ва осойишта ҳаётнинг қадрига янада кўпроқ етамиз. Сурур Президентимиз ўз табригида кексаларни асраб-авайлаш, эъозлаш миллий қадрият даражасига кўтарилиганини, бағри-кенглик халқимизнинг қонини сўнгинг кетганини алоҳида таъкидлади. Бу эътиборни биз, уруш қатнашчилари ҳар кун

кўриб, ҳис этиб турибмиз. Ўзим мисолимда айта қолай: ҳовлимизга кунора турли ташкilotлар вакиллари, маҳалладошлар, шифокорлар, қариндош-уруғлар, мактаб, лицей ўқувчилари келишади. Ҳол-аҳвол сўрашади. Совғасаломлар улашишади. Гапларимиз, насихатларимиз диққат билан тинглашади. Шунда мен ўзимни кўпчиликка керакли инсондек ҳис қиламан. Бундай эътибор ва ғамхўрлик эса умримизга умр кўшади.

Норбой ҚАРШИЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бўқоро шаҳри.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Самарқанд шаҳрида 11 май куни Ўзбекистон Республикаси ва Қозғистон Республикаси Ички ишлар вазириликларининг Қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобоқонов, Қозғистон Республикаси ички ишлар вазири К. Касимов халқларимизнинг тарихий дўстлик, яқин қўнчилиқлик муносабатлари кўнчилиқ йилларида янги босқичга кўтарилгани, бунда икки мамлакат Президентларининг самимий, дўстона муносабати мўҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиги, диний экстремизм, терроризм каби глобал аҳамиятга эга жиноятларга қарши биргаликда кураш олиб бeриши мўҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Қозғистон давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашув ва

мулоқотларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ички ишлар вазириликларининг қўшма мажлиси ана шу музокараларнинг амалий натижаси сифатида ташкил этилди. Қозғистон ички ишлар вазири Калмуханбет Касимов ички ишлар органлари тизимидagi яқин ҳамкорлик давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш, халқларимизнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди. Мажлисида тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бeрилатган ишлар ҳақида маълумот бeрилди.

Трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш ва ўзаро келишган ҳолда тежор-қидирув тадбирларини олиб бeришда Ички ишлар вазириликлари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди. — Қўшма мажлис ўзаро ҳамкорлиқни янги босқичда давом эттиришда мўҳим қадм бўлди, — дейди Калмуханбет Касимов. — Ингиллиш давлат вазириликларимиз ўртасида тежор-қидирув, жиноятчиликка қарши курашиш, ўзаро ахборот алмашиш ва бошқа кўллаб масалалар юзасидан келишув олиди. Қозғистон Республикаси Ички ишлар вазирилик делегацияси Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий ёдгорликлар, муқаддас қадмоларни эътибат қилди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

ОИЛА ҚЎРҒОНИГА ДАРЗ КЕТМАСИН

Оила — киши тафаккури, маънавияти шаклландиғани, унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берадиган, қолаверса, қадриятларни асрдан-асрларга олиб ўтишда бош омил ҳисобланувчи муҳим ижтимоий муҳитдир.

Юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатининг афзаллиги шундаки, давлат оилани ўзига хос суверен тузилма сифатида қадрлайди, унинг ички ишларига аралашмайди, лекин муайян сабабларга кўра, оилادا баъзи қийинчиликлар, муаммолар юзга келган бўлса, оила аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш орқали ўз мафлаатларини муҳофаза этишлари, зарур ҳолларда эса давлатнинг мададидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Сенатор мушоҳадаси

Оила масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоилар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури барча соҳадаги давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Давлат дастурида оғир маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилаётган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган қатор тадбирларнинг белгилангани халқимизнинг ўлмас қадриятларига хосдир. Қувонарлиси, жорий йилда ҳам аҳолининг турли қатламлари учун арзон ҳамда сифатли уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларида яшовчилар ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжи муттасил охиб бораётганидан келиб чиқиб, арзон ҳамда сифатли уй-жойлар қуриш қўлами

1,5-2 баробар оширилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида хотин-қизлар турмушини яхшилаш, жамиятимиз таянчи бўлган оилани мустаҳкамлаш борасида мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифалар, бугун ҳамда келгусида қилишимиз лозим бўлган ишлар аниқ, лўнда белгилаб берилган.

Маъзур ҳужжатга мувофиқ, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларни иш билан ташминлаш, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёш қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг таш-

кил қилиниши нур устига нур бўлди.

Бу ҳақда гап кетганда, бир жиҳатга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Оналик ҳамда болалики ижтимоий муҳофазада борасида мақтовга арзиғулик ишлар амалга оширилганига қарамасдан, оила ва турмуш муносабатларида, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси масаласида бефарқлиги ҳолатларининг ҳали ҳам мавжудлиги, албатта, ачинарлидир. Маълумотларга қараганда, ўтган йили назоратсиз қолган волеяга етмаганларнинг 39 минг 327 нафар ота-онасига нисбатан чоралар қўрилган. Республикаимиз бўйича ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар 2016 йилда 16673 тани, 2017 йилда 12932 тани ташкил этган бўлиб, 3741 та камайган. Суд органлари га ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида материаллари тақдим этилган ота-оналар сони 2016 йилда 88 тани, 2017 йилда

64 тани ташкил қилиб, аввалгидан камайган бўлса-да, бу рақамлар ҳар биримизни чуқур ўйга толдиради.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганларнинг фарзандлари давлатимиз қарамоғида — Меҳрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчалари тарбияланмоқда. Бундай болалар сони 2016 йилда 536 нафарни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 677 нафарга етгани, камайиш ўрнига 141 нафар ортгани ташвишланарли ҳол, албатта. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34 мингга яқин болалар фарзандликка берилган.

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли юз фоизи оилаларга бирлашиб яшайди. Оиллага бирлашиб аниҳан, аввало, никоҳ, тўй-тантаналардан бошланади. Бу тадбир орқали оила қурилганини яқинларини таъминлаш, ўз орзу-хавасларини рўёбга чиқаради. Афсуски, бугунги кунда айрим ҳудудларда баъзи қимсаларга эргашиб қарзга ботиб, кимўзарга тўй қилаётган ота-оналарнинг кўпайиб бораётгани, оқибатда оилавий ҳоловатини йўқотаётгани бутун жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Ачинарлиси шундаки, тўйдан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, содир бўлаётган оилавий можаролар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги соғувчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда айнан шу масалаларга бориб тақалади. Ҳаддан зиёд кўпайиб кетаётган ва асосан, аёллар томонидан "ўйлаб топилмаётган" янгича, тўйдан олдин ҳамда кейинги турли-туман тадбир-

лари ўтказишга йўл қўйлаётгани бот-бот тақорланмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳар йили 300 мингдан ортиқ никоҳлар расмийлаштирилади. Шу билан бирга, 25 — 30 мингга никоҳ бекор қилинади. Хусусан, 2017 йилда 306,2 минг никоҳ расмийлаштирилган бўлса, 31 минг 930 та ажрим қайд этилган, яъни 2016 йилдагига нисбатан 8,1 фоиз кўпдир. Биргина пойтахтимиз мисолида ажримнинг 20 — 25 фоизига айнан тўй-ҳашамларимиздаги ортиқча дабдабозлик, сохта обрў кетидан қувиш, шу билан бирга, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслиги, уларда меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларининг шаклланимагани сабаб бўлмоқда.

Ўзбек оиласи ўзининг чуқур маънавий-иқтисодий пойдеворига эга. Биз бу пойдеворни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Бузғунчилик, беҳабелик, бефарқлик розалатига ботган "оммавий маданият" гирдобидан ёшларимизни асраб, миллий қадриятларимизга асосланган аниҳаналаримизни, урф-одатларимизни, маънавий меросимизни улар қалбига синдиришимиз даркор. Токи, оила аталмиш муқаддас кўрғонимизга асло дарз кетмасдан.

Гаъхор АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари.

Инсонпарварлик — халқимизнинг азалий фазилати

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгилашлар "Инсон мафлаатлари ҳамма нарсдан устун" деган эзгу тамойилга асосланади. Бу ҳайрли юмушга юртимиздаги фуқаролик жамияти институти, нодавлат ташкилотлар ҳам фаол ҳисса қўшмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Жумладан, Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти ўз фаолиятида инсонпарварлик тамойилларига таянади. Қизил ҳоч ва Қизил Яримой халқаро ҳаракатининг аҳралимас қисми бўлган ушбу ташкилот ўз жағғармасига тўшаётган ҳайрия маблағларини ижтимоий хўмюга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишга йўналтириб келмоқда. Жамият ҳодимлари, кўнгилчилари ҳамда меҳр-шафқат ҳамширалари томонидан ўзгаларга маъмурий ва кўмағига муҳтож кишилар тиббий-психологик қўллаб-қувватланапти. "Мурувват" ҳамда Меҳрибонлик уйларига моддий ёрдам берилмоқда.

Жамиятнинг таълим ва маърифий йўналишида олиб бораётган ишларини ҳам қайд этиш жоиз. Ташкилот томонидан юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ОИВ/ОИТС ҳамда юқумли касалликлар профилактикаси ва уларнинг тарқалишига қарши курашиш, кўнгилли донориликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилапти.

Аҳолининг биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасига эга бўлиши Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти фаолиятининг энг муҳим йўналишидан биридир. Жароҳатланган ҳамда шикастланган олиб келувчи турли экстремал вазиятларда кишиларнинг бошқаларга ёрдам кўрсата олиши жуда муҳим. Зеро, аксарият ҳолларда, биринчи тиббий ёрдам жабрланган шахсининг ҳаётини сақлаб қолади.

Қизил ҳоч ва Қизил Яримой халқаро ҳаракати томонидан ишлаб чиқилган шонлиқ тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли фавқулодда вазиятларда қўлланилувчи услублари халқаро норма

ҳамда қондаларга мос бўлиб, улардан жажон амалиётида кенг фойдаланилади. Жамиятнинг биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича таълим олинганлигини тасдиқловчи сертификатлари ўзига хос статусга эга ва амалда дунёнинг барча давлатида тан олинади. Ўтган йили ташкилотимиз томонидан 30 мингдан зиёд фуқароларга ана шундай ҳужжатлар берилди.

Жамият томонидан таълим муассасалари базасида тузилган мингдан ортиқ санитар постлари, саноят ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги корхоналарда ташкил этилган етти юздан зиёд санитар дружиналарига маъзур йўналишда услубий кўмак ҳам кўрсатилмоқда. Жамият томонидан ўқитилган барча тузилмалар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил қилинувчи қўмондолик-штаб, махсус-тактик қўмақ машқаларида фаол иштирок этаптилар.

Жамиятнинг ёш авлодни меҳр-шафқат, эзгулик ва ижтимоий масъуллиқ руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳисса ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда ташкилотимиз ҳодимлари ҳамда кўнгилчилари қийин вазиятга тушиб қолган, турли фавқулодда вазиятларда жабрланган, оғир хасталикка дуч келганларга амалий ёрдам бериб, уларнинг дуосини олмамоқда. Зеро, турмушининг у ёки бу чорраҳасида айрим сабабларга кўра қийналиб қолган инсонни суяш, унга мурувват кўрсатиш, кўнгил яриш, ёши улғ қишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-рўзгор юмушларига кўмаклашиш халқимизнинг азалий фазилатларидандир.

Ҳамид ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Қизил Яримой
жамияти раиси.

Спорт

Асилбек Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди

Шу кунларда пойтахтимизда спорт курашлари бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтаётган. "Ўзбекистон" спорт мажмуаси мезбонлик қилаётган қитъа мусобақаси жорий йилнинг октябрь ойида Буэнос-Айрес (Аргентина) шаҳрида ўтказилган III ёшги ўсмирлар Олимпиада йўлланмалар тақдим этди.



Миллий олимпиада қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, турнирда Хитой, Хиндистон, Эрон, Ирок, Иордания, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Мўғулистон, Покистон, Сингапур, Сурия, Таиланд, Тожикистон, Туркманистон, Тайвань, Яман каби 21 давлатдан спортчилар қатнашапти.

Таъкидлаш жоизки, уч йўналиш — эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўсмирлар Олимпиада йўлланмалари дастурига киритилган бешта вазн тоифасида чемпионликка эришган полвонлар лицензия соҳибига айландилар.

Чемпионатнинг дастлабки кўнги баҳсларида юнон-рум курашчилари совринли ўринлар учун гиламга чиқдилар. Қувонарлиси, 60 килограммга ваъзда юртимиз шарафини хўмю қилган Асилбек Нематов барча рақибини мағлубиятга учратди ва Осиё чемпионлиги ҳамда ўсмирлар Олимпиада йўлланмалари йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, Амирбек Султонов (-55 кг.) ва Муҳаммадали Сайдуллаев (-110 кг.) кумуш, Аббор Атабаев (-48 кг.), Лазизхон Ўзбеков (-51 кг.) ҳамда Абборбек Нурмуҳаммедов (-92 кг.) бронза медал билан тақдирланишди.

Чемпион муддатидан олдин аниқланди

Пойтахтимизда аёллар ўртасида шахмат бўйича мамлакат чемпионати олий лига баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақа гоилиблигига икки халқаро гроссмейстер — Гулруҳбегим Тохиржонова ва Сарвиноз Курбонбоева даъвогарлик қилаётганди.

Ўзбекистон чемпиони номи турнир якунланишига бир тур қолганида аниқ бўлди. Сақизинчи партида Тохиржонова қора доналарда ўйнашига қарамай, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Баҳора Абдусатторовани мағлубиятга учратди ва муддатидан аввал мамлакат чемпионига айланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
тайёрлади.

Ўзбек маданиятини тарғиб этаётган ёшлар

Франциянинг "Сосьете женераль", "Ив Роше", "Шнайдер электрик" каби нуфузли компания ҳамда ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ўзбек ёшлари бир вақтинч ўзида ушбу мамлакатнинг Сорбонна, Тиллар ва цивилизациялар миллий институти сингари етакчи таълим муассасаларида таҳсил ҳам олишади.

Фахр

Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида бўлиб ўтган учрашувда хорижда ўқиб ишлаётган ёшларимизга диний-маърифий соҳаларда юртимизда бугун кечаётган ислохотлар, қўшни мамлакатлар ва жажон ҳамжамияти билан манфаатли ҳамкорлик, сай-

ёҳлики ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида мукаммал маълумот берилди.

Шуниси қувонарлики, ёшларимиз, гарчи Ватандан олисда бўлса-да, юрт меҳри, қадим тарихимизга эҳтиром руҳида фаолият олиб бо-

ришаётди. Хусусан, Фаррух Йўлдошев томонидан асос солинган "Мерос" фонди ўзбек маданияти тарғиботи билан шуғулланади. Бу эса француз ёшларини мумтоз адабиётимиз билан таништиришда кўл келаетир.

— Элчихонамиз кўмағида Парижда навоийхонлик тадбирини ўтказганимиз кўнглидаги иш бўлди, — дейди Фаррух мамнулик билан. — Эндиликда қадимий тарихимиз ва мумтоз адабиётимиз шайдоларини миллий қадриятларимиздан хабардор этиб, ўзбек тили тўғрагини ташкил қилишни режалаштиряптимиз.

Учрашувда ЮНЕСКОнинг Швейцариядаги ваколатхонаси раҳбари Бобур Тўхтабоев она-Ватанимиз олдида қарздорлик ҳисси ҳақида тўлқинланиб сўзлаган бўлса, Сорбонна университети битирувчиси Феруза Каримова Лувр музейида олиб бораётган фаолияти ҳақида гапириб берди. Ҳар йили 8 миллиондан зиёд одамлар ташриф буорадиган Луврда Феруза қизиқувчиларни Ўзбекистоннинг мафункор ва бой маданияти билан таништириб боради.

Шойим БЎТАЕВ
тайёрлади.

12 май — Халқаро ҳамширалар куни

Аҳоли саломатлигини таъминлаш масъулияти

Маълумки, ҳар йили 12 май — Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда кенг нишонланади. Мамлакатимизда эса ушбу сана аввалги йиллардагидан фарқли ўларок, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "Саломатлик — инсон ҳуқуқи, уни таъминлашда ҳамшираларнинг ўрни ва истиқбол"и ширин остида ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда соҳа ҳодим-

лари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида ўтказилаётган илмий-амалий семинар ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тизимда илчил амалга оширилаётган ислхотлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янгиликлар ва бунда тиббиёт

ҳамшираларининг ўрни ҳамда вазифаси ҳақида фикр билдирди. Тадбир доирасида иштирокчиларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар, шунингдек, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳатини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

М. ХОЛМАТОВА.

OGU

Ўзбекистоннинг нефть ва газ соҳасидаги энг йирик тадбирига хуш келибсиз!

22-халқаро
ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ва ГАЗ
кўргазмаси ҳамда анжумани

2018 йил 16 — 18 май

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, «Ўзқиспмарказ» МКК АЖ, 1, 2-павильонлар ва очик майдон, «Атриум» зали.

www.oilgas.uz

OGU — нефть ва газ бозорининг барча муҳим секторларини қамраб олувчи мамлакатнинг энг йирик халқаро кўргазмаси.

Ташкилотчи: **Itexa**

Itexa Exhibitions
Тел.: (+998 71) 205-18-18
E-mail: ogu@ite-uzbekistan.uz

ONLINE РЎХАТДАН ЎТИНГ

Ташкилотчи: **Itexa**

Itexa Exhibitions
Тел.: (+998 71) 205-18-18
E-mail: ogu@ite-uzbekistan.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Zamin Eko Agro» корхонаси галладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил макжажхори ҳамда кунгабоқар уруғларини тақлиф қилади:

Макжажхори — NS 205 F1. Эртапишар дурағай. Вегетация даври — 90 кун. Хосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурағай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Хосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синовдан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экинг...

zamin eko agro

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш., М-39 автомагистрали,
тел.: (+99897) 130-51-21, 75502355,
факс (+99871) 150-15-89,
www.zea.uz

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси "Молиявий менежмент" кафедраси доценти Фаридхон Ҳамидова отаси **Абдукарим НАИМЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Тел.: (+998 71) 205-18-18
E-mail: ogu@ite-uzbekistan.uz

Таҳририятга келган кўпмаъра тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга таъкидлаш жоиз.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тошев томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатан чоп этилишига «Шарқ» полиграф-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-87.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абдулов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Муасхххх — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲаА якупи — 23.50 Топширилди — 01.50 1 3 4 5 6